



## ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ИНКЛЮЗИВ ЁНДАШУВНИНГ БЮДЖЕТ САМАРАДОРЛИГИ



Самандаров Достонбек Улуғбек ўғли

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Давлат бошқаруви академияси

**Аннотация:** Мақола соғлиқни сақлаш тизимида ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан қатъи назар, барча фуқароларнинг тиббий хизматлардан фойдаланишини таъминлайдиган инклюзив ёндашувнинг аҳамиятини очиқ беришга қаратилган. Инклюзив ёндашув аҳолининг энг заиф қатламларига тиббий хизматлар кўрсатиш, уларнинг тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш имконини беради. Мақолада хорижлик ва ўзбекистонлик олимларнинг инклюзив соғлиқни сақлаш муҳимлигини таъкидлаган тадқиқотлари келтирилган. Хорижий тажрибадан, хусусан, Ирландия ва Германиядаги дастурлардан, шунингдек, Ўзбекистонда инклюзив соғлиқни сақлашни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлардан мисоллар келтирилган. Мақолада, шунингдек, чекланган ресурслар, молиявий ва кадрлар билан боғлиқ чекловлар, маданий ва сиёсий тўсиқлар каби инклюзив ёндашувни амалга оширишдаги қийинчиликлар ва тўсиқлар бўлишига қарамай инклюзив саломатликни қўллаб-қувватлаш аҳоли саломатлигини яхшилаши, умумий саломатлик натижаларини яхшилаши ва узоқ муддатли харажатларни камайтириши таъкидланган.

**Аннотация:** Целью статьи является раскрытие важности инклюзивного подхода в системе здравоохранения, обеспечивающего использование медицинских услуг всеми гражданами, независимо от их социально-экономического статуса. Инклюзивный подход позволяет оказывать медицинские услуги наиболее уязвимым слоям населения, улучшая их доступ к медицинским услугам. В статье представлены исследования зарубежных и узбекских ученых, подчеркивающие важность инклюзивного здравоохранения. Приводятся примеры зарубежного опыта, в частности, программ Ирландии и Германии, а также реализуемых в Узбекистане мер по поддержке инклюзивного здравоохранения. В статье также отмечается, что инклюзивное укрепление здоровья может улучшить здоровье населения, улучшить общие показатели здоровья и снизить долгосрочные затраты, несмотря на проблемы и препятствия на пути реализации инклюзивного подхода, такие как ограниченность ресурсов, финансовые и кадровые ограничения, а также культурные и политические барьеры.

**Annotation:** The purpose of the article is to reveal the importance of an inclusive approach in the health care system, ensuring the use of medical services by all citizens, regardless of their socio-economic status. An inclusive approach allows providing medical services to the most vulnerable segments of the population, improving their access to medical services. The article presents studies by foreign and Uzbek scientists emphasizing the importance of inclusive health care. Examples of foreign experience are given, in particular, programs in Ireland and Germany, as well as measures implemented in Uzbekistan to support inclusive health care. The article also notes that inclusive health promotion can improve the health of the population, improve overall health indicators and reduce long-term costs, despite the challenges and obstacles to the implementation of an inclusive approach, such as limited resources, financial and personnel constraints, as well as cultural and political barriers.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон, инклюзив тиббиёт, соғлиқни сақлаш тизими,

Кириш

Соғлиқ ва тиббиёт хизматларидан фойдаланиш бу инсонларнинг биринчи даражали эҳтиёжларидан ҳисобланади. Соғлиқни сақлашда ижтимоий детерменантлар сабабли, аҳоли саломатлигини ошириш, барча фуқаролар учун тиббиётдан тўлақонли фойдаланиш имкониятини яратишда инклюзив ёндашувнинг соғлиқни сақлаш тизимидаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Соғлиқни сақлашда ижтимоий детерменантлар деганда аҳоли саломатлигининг тиббиётга боғлиқ бўлмаган сабаблари, уларнинг туғилиш, вояга етиш, меҳнат қилиш, яшаш шароитлари, ёши ҳамда кундалик ҳаётини шакллантирувчи комплекс омиллар тушунилади.<sup>1</sup> Инклюзив ёндашув фуқароларнинг манзили, ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан қатъи назар тиббий хизматлардан фойдаланишни таъминлашни назарда тутди. Инклюзив ёндашув аҳолининг тиббиёт хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган аҳолига тиббий хизматларни кўрсатиш имкониятини беради.

Инклюзив ёндашув бир қатор олимлар, тадқиқотчилар, тиббиёт ходимлари томонидан ўрганилган. Чет эллик олимлардан В. Marjadi, J. Flavel, K. Baker, K. Glenister, M. Morns каби тадқиқотчи ва тиббиёт ходимларини, ўзбек олимларидан эса Алишер Инаковни ва бошқаларни келтириш мумкин.

Инклюзив тиббиётнинг яна бир муҳим аҳамияти шундан иборатки ҳозирги кунда аҳолининг умр кўриш давомийлиги ошиши натижасида аҳолининг соғлом ҳолда қариллик гаштини суриши, соғлом ҳолда қариши ўта муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида умр кўриш давомийлиги COVID -19 пандемисигача бўлган даврда ўсганлигини, пандемия даврда пасайиш кузатилганлиги кўриш мумкин. COVID -19 пандемисидан кейин даврда кўрсаткичлар яхшиланиб бораётганлигини кўриш мумкин.

<sup>1</sup> Social Determinants of Health – 23/04/2024 - [https://www.cdc.gov/publichealthgateway/sdoh/index.html#:~:text=Social%20determinants%20of%20health%20\(SDOH,the%20conditions%20of%20daily%20life.](https://www.cdc.gov/publichealthgateway/sdoh/index.html#:~:text=Social%20determinants%20of%20health%20(SDOH,the%20conditions%20of%20daily%20life.)



## <sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси умр кўриш давомийлиги

Ўзбекистон Республикасида инклюзив ёндашувни ташкил этиш соғлиқни сақлаш тизими учун бюджетдан ажратиладиган харажатлар самарадорлиги ва ёндашувнинг аҳоли саломатлигига таъсири ўрганиш жуда муҳимлигини Жаҳон банкининг 2022 йилда бўлган ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотларга асосан республикада 2022 йилда 845.3 минг киши (аҳолининг 2.3 фоизини ташкил қилади) ногиронлиги бўлган шахслар сифатида кўрсатилиши ҳам исботлайди.<sup>3</sup> 2023 йил март ойларидаги кўрсаткичларга таянадиган бўлсак ногиронлиги бўлган шахслар сони ортганини кузатиш мумкин. Улар аҳолининг 2.5 фоизини еки 896 минг кишини ташкил этган.<sup>4</sup> Бу кўрсаткичлар инклюзив ёндашувнинг республикадаги аҳамияти юқорилигини кўрсатади.

Соғлиқни сақлаш тизимида инклюзив ёндашувнинг бюджет харажатлари самарадорлигини ошириши нуқтаи назаридан ўрганадиган бўлсак қуйидагиларни аниқлаш мумкин. Соғлиқни сақлаш тизимида инклюзив ёндашувни ташкил этиш бир қанча инвестициялар талаб қилганлиги сабабли, унинг самарадорлигини таъминлаш ўта муҳим ҳисобланади. Инклюзив ёндашувни ташкил этишда инфратузилмани ривожлантириш, тиббиёт ходимларни таййорлаш ва дастурлар ишлаб чиқиш каби инвестициялар талаб қилиниш мумкин. Мисол учун, Ўзбекистон Республикасида 2022 йил давомида соғлиқни сақлаш тизимига ажратилган бюджет харажатлари 27 288.33 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса бундан кексалар ва ногиронлар учун санаторийлар ва интернат уйлари, 649,6 уйда ижтимоий ёрдам бўлимлари, ногиронлар реабилитация марказлари ногиронлиги бўлган шахслар учун 824.6 млрд сўм маблағлар ажратилган ва бу маблағлар 2021 йилдаги ушбу

<sup>2</sup> <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2>

<sup>3</sup> Технические справки по имплементации Конвенции о правах инвалидов - Республика Узбекистана Январь 2023г

<sup>4</sup> “Янги Ўзбекистон” газетасининг шу йил 10 март сонида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Тиббий-ижтимоий хизматларни ташкиллаштириш департаменти директори Алишер Инаковнинг “Инклюзив жамият сари қадам”

йўналишларга сарфланган бюджет маблағларига нисбатан 321.9 млрд. сўмга ёки 64% дан ошиқроқ кўп деганидир.<sup>5</sup>

Ирландия соғлиқни сақлаш хизмати NCPPD (National clinical programme for people with disability) дастурини амалга оширишни бошлади. Ушбу дастур доирасида Соғлиқни сақлаш ва ногиронлар ишлари бўйича вазирлари ногиронлиги бўлган шахслар учун тиббиёт хизматларини ислоҳ қилиш, уларга хизмат кўрсатадиган ташкилотлар салоҳиятини ошириш ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳаёти сифатини яхшилаш учун 20 млн. Евро жамғарма ташкил қилинганини эълон қилишди. Бу миқдор 2021 йилда ажратилган базавий 100 млн. Евро учун қўшимча бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим. Германияда эса миллий тиббий суғурта дастурларининг айрим турлари ногиронлиги бўлган шахслар учун мослаштирилган. Масалан, кичик стоматологик муолажалар учун уйга ташрифлар қопланади.<sup>6</sup>

Инклюзив ёндашувни соғлиқни сақлаш тизимида жорий қилиш биринчи босқичда катта моливий харажатлар, инвестициялар талаб қилишига қарамай келажакда сарф қилиниши мумкин бўлган катта харажатларнинг тежалишига эришилади. Бунга сабаб сифатида эса аҳоли ўртасида тиббиёт хизматларидан фойдаланишдаги номутаносибликни камайтириш, юқумли касалликларни тарқалишини олдини олиш, касалликларни дастлабки босқичларида аниқлаш, профилактик жараёнларни кенг тадбиқ қилиш ва аҳоли тиббий билимини оширишни келтириш мумкин.

Инклюзив тиббиётга қаратилган эътиборни кўриш учун Ўзбекистонда Республикасида мустақилликка эришгандан сўнг биринчилардан бўлиб қабул қилинган 18.11.1991 йилдаги 422-ХП-сонли “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини келтириш лозим. Юқоридаги қонунга асосан Ўзбекистон Республикасида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга, ногиронликнинг олдини олишга ва ногиронларнинг жамият билан уйғунлашиб кетиши учун шарт-шароит яратишга қаратилган тадбирлар амалга оширишилиши ва ногиронларни дори-дармонлар билан таъминлаш, уларга техник воситалар ва ўзга воситаларни бериш, шунингдек, маиший хизмат ва транспорт хизмати кўрсатиш бепул ёки Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйилган тартибда енгил шартлар асосида амалга оширилиши белгиланган.<sup>7</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.02.2023 йилдаги 74-сонли “Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан ногиронлиги бўлган муҳтож шахсларни замонавий протез-ортопедия мосламалари билан таъминлаш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш муассасалари ускуналарини модернизация қилиш, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар,

<sup>5</sup> ФУҚАРОЛАР УЧУН БЮДЖЕТ: 2022 ЙИЛ ИЖРОСИ.

<sup>6</sup> Краткий аналитический обзор: системы здравоохранения, инклюзивные по отношению к людям с инвалидностью. Копенгаген: Европейское региональное бюро ВОЗ; 2022. Лицензия: CC BY-NC-SA 3.0 IGO.

<sup>7</sup> <https://lex.uz/uz/docs/140824> - 18.11.1991 йилдаги 422-ХП-сонли “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини 06/08/2024.

ногиронлиги бўлган болалар ҳамда уларга ғамхўрлик қилувчи фуқароларга давлат идоралари ва ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларидан навбатсиз фойдаланиш бўйича имтиёзлар бериш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш ва уларга юридик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш юзасидан киритилган таклифлар маъқулланган.<sup>8</sup>

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида сўнги йилларда иклюдив тиббиётни янада ривожлантириш, тиббий хизматлардан фойдаланишни аҳолининг барча қисми учун қудай қилиш мақсадида бир қатор жамғармалар ташкил этилган. Ушбу жамғармаларга мисол тариқасида Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси, Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси, Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаларини келтириш мумкин. Жамғармаларнинг даромад ва харажатлари иловадаги жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўриниб турибдику, 2019 йилда Инклюдив тиббиётни ривожлантиришга қаратилган жамғармалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида бюджетдан маблағлар ажратилмаган бўлса, 2020 йил биргина Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармасига бюджетдан 37 130 млн. сўм ажратилган ва жамғарманинг бюджетдан ташқари даромади эса 139 886.70 млн. сўмни ташкил этган. Жамғарманинг 2020 йилда умумий даромади 177 016.70 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилдаги харажати 156 256.40 млн. сўм бўлган.

Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг харажатлари 2020 – 2022 йилларда 552.40 млн. сўмни ташкил этган. Унинг даромадлари бюджетдан ташқари манбалар орқали шакллантирилган.

Кўрсаткичлар	Йиллар								
	2022			2021			2020		
	Даромадлар	Трансфертлар	Харажатлар	Даромадлар	Трансфертлар	Харажатлар	Даромадлар	Трансфертлар	Харажатлар
Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	10,50	0,00	44,90	15,20	0,00	160,70	723,30	-	346,80

<sup>9</sup>

<https://www.imv.uz/static/qoraqalpogiston-res-budjeti-viloyatlar-va-toshkent-sh-mahalliy-budjeti-daromadlari-3>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.11.2020 йилдаги ПҚ-4890-сонли “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий

<sup>8</sup> <https://lex.uz/docs/6391378> - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.02.2023 йилдаги 74-сонли “Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори

<sup>9</sup>

<https://www.imv.uz/static/qoraqalpogiston-res-budjeti-viloyatlar-va-toshkent-sh-mahalliy-budjeti-daromadlari-3>

суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан 2020 йил 1 декабрдан Давлат тиббий суғурта жамғармасининг ташкил этилган ва фаолиятини бошлаган. Жамғарманинг асосий мақсадларидан бири эса аҳолини давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш, унинг сифати ва ҳажмини ошириш ҳамда тиббий хизматлар бозорини замонавий талаблар асосида ривожлантириш мақсадида давлат тиббий суғуртаси тизимини жорий этиш ва бошқаришдан иборат.<sup>10</sup>

Ушбу жамғармани ташкил этиш мақсадида бюджетдан 2022 ва 2023 йилларда мос равишда 1 330 117.5 ва 3 251 408.5 млн.сўмлар умумий ҳисобда 4 581 526 млн. сўм ажратилган.

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2023			2022		
	Даромадлар	Трансфертлар	Харажатлар	Даромадлар	Трансфертлар	Харажатлар
Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси	16,660.60	3,251,408.50	3,331,344.70	1,300,124.50	1,300,117.50	1,196,737.20

<sup>11</sup> <https://www.imv.uz/static/qoraqalpogiston-res-budjeti-viloyatlar-va-toshkent-sh-mahalliy-budjeti-daromadlari-3>

Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.12.2023 йилдаги 687-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги” қарорига асосан ташкил бўлиб 2023 йилнинг ўзида бюджетдан жамғарма фаолиятини молиялаштириш мақсадида 500 млрд. сўм ажратилган.

Кўрсаткичлар	2023 йил		
	Даромадлар	Трансфертлар	Харажатлар
Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси	86,542.10	500,000.00	

Манба: <https://www.imv.uz/static/qoraqalpogiston-res-budjeti-viloyatlar-va-toshkent-sh-mahalliy-budjeti-daromadlari-3>

Таъкидлаб ўтиш лозимки, жамғарма фаолиятининг қуйидаги мақсадларини келтириш мумкин. «Мурувват» интернат-уйлари, Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларида, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийлар ҳамда пансионатларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш тадбирлари (қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш,

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.11.2020 йилдаги ПҚ-4890-сонли “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

<sup>11</sup> <https://www.imv.uz/static/qoraqalpogiston-res-budjeti-viloyatlar-va-toshkent-sh-mahalliy-budjeti-daromadlari-3>

тегишли ускуна ва жиҳозлар сотиб олиш ва бошқа) харажатларини молиялаштириш, ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш марказларининг моддий-техника базасини ривожлантириш тадбирлари (қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, тегишли ускуна ва жиҳозлар сотиб олиш ва бошқа) харажатларини молиялаштириш, аҳолини протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш, протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурлари ва лойиҳаларини молиялаштириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг имтиёзли ҳамда бепул стационар, шу жумладан, чет давлатларидаги тиббиёт муассасарида даволанишини таъминлаш ва бошқалар.<sup>12</sup>

Инклюзив тиббиёт нафақат аҳолининг ногиронлиги бўлган қисми учун балки барча қатламлари учун, уларнинг келиб чиқиши, жойлашувидан қатъи назар тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини берганлиги сабабли мамлакат аҳолисининг саломатлигини оширишга хизмат қилади. Бундай ёндашув орқали аҳолининг даромадлари сезиларли даражада фарқ қиладиган гуруҳлари ўртасида тиббий хизматлар билан таъминлаш даражасини тенглаштириш, аҳоли саломатлик даражасини белгилловчи умумий кўрсаткичларни, яъни умр кўриш давомийлиги, она ва бола ўлими кўрсаткичларини яхшилашга ва соғлом турмуш тарзини кенг тадбиқ қилишга ёрдам беради.

Соғлиқни сақлаш тизимида инклюзив ёндашув кўплаб афзалликларга эга бўлишига қарамай, уни жорий этишда бир қанча қийинчиликлар бўлиши мумкин. Булардан ресурсларнинг чекланганлиги, моливий чекловлар, ишчи кучлари билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар, сиёсий қаршилиқ ва маъданий тўсиқларни санаб ўтиш мумкин. Бундан ташқари, инклюзив ёндашув тизимини самарадорлигини баҳолашдаги қийинчиликлар, кўплаб маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишни тақозо қилади. Шунга қарамай, далиллар шунини кўрсатадики, инклюзив ёндашувни соғлиқни сақлаш соҳасида жорий этиш, қўллаб-қувватлаш аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга, умумий саломатлик кўрсаткичларини яхшилашга ва узоқ муддатли харажатларни камайтиришга олиб келадиган иқтисодий ва тиббий жиҳатдан тўғрилиги хорижий давлатлар тажрибасида исботланмоқда.

Шунингдек инклюзив ёндашув нуқсонли беморларни индивидуал даволаш орқали яхши натижаларга эришишга олиб келади. Самарали инклюзив соғлиқни сақлаш тизимини ташкил қилишда бир қатор изланувчилар, тиббиёт ходимлари томонидан бир қатор маслаҳатлар ишлаб чиқилган. Ушбу маслаҳатларни амалиётга тадбиқ қилиш орқали, тиббиёт ходимлари ва менеджерлар томонидан соғлиқни сақлаш хизматини инклюзив ёндашувда ривожлантириш натижасида тиббий хизматларидан фойдалинишда тенгликка эришишга хизмат қилиши таъкидланган.<sup>13</sup>

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.03.2021 йилдаги ПФ-6195-сонли “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони

<sup>13</sup> Marjadi, B.; Flavel, J.; Baker, K.; Glenister, K.; Morns, M.; Triantafyllou, M.; Strauss, P.; Wolff, B.; Procter, A.M.; Mengesha, Z.; et al. Twelve Tips for Inclusive Practice in Healthcare Settings. *Int. J. Environ. Res. Public Health*

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, инклюзив ёндашув аҳолининг кам даромадга эга бўлган ва нуқсонли, доимо тиббий назоратга мухтож бўлган қисмига сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини яратишда ҳамда соғлиқни сақлаш тизимида номутаносибликни камайтиришда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Инклюзив ёндашув янада соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга ёрдам беради.

Қўшимча равишда, инклюзив соғлиқни сақлаш асосан тиббиёт нуқтаи назаридан ўрганилган ва унинг иқтисодий самарадорлиги ўрганилган тадқиқотлар Ўзбекистонда амалга оширилмаган. Бу муаммолар бу соҳада ҳали кўплаб илмий изланишлар олиб бориш лозимлигини кўрсатади.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Social Determinants of Health – 23/04/2024 - [https://www.cdc.gov/publichealthgateway/sdoh/index.html#:~:text=Social%20determinants%20of%20health%20\(SDOH,the%20conditions%20of%20daily%20life](https://www.cdc.gov/publichealthgateway/sdoh/index.html#:~:text=Social%20determinants%20of%20health%20(SDOH,the%20conditions%20of%20daily%20life).
2. Технические справки по имплементации Конвенции о правах инвалидов - Республика Узбекистана Январь 2023г
3. “Янги Ўзбекистон” газетасининг шу йил 10 март сонида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Тиббий-ижтимоий хизматларни ташкиллаштириш департаменти директори Алишер Инаковнинг “Инклюзив жамият сари қадам”.
4. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан таййорланди.
5. Краткий аналитический обзор: системы здравоохранения, инклюзивные по отношению к людям с инвалидностью. Копенгаген: Европейское региональное бюро ВОЗ; 2022. Лицензия: CC BY-NC-SA 3.0 IGO.
6. Marjadi, B.; Flavel, J.; Baker, K.; Glenister, K.; Morns, M.; Triantafyllou, M.; Strauss, P.; Wolff, B.; Procter, A.M.; Mengesha, Z.; et al. Twelve Tips for Inclusive Practice in Healthcare Settings. Int. J. Environ. Res. Public Health 2023, 20, 4657. <https://doi.org/10.3390/ijerph20054657>
7. <sup>1</sup> Social Determinants of Health – 23/04/2024 - [https://www.cdc.gov/publichealthgateway/sdoh/index.html#:~:text=Social%20determinants%20of%20health%20\(SDOH,the%20conditions%20of%20daily%20life](https://www.cdc.gov/publichealthgateway/sdoh/index.html#:~:text=Social%20determinants%20of%20health%20(SDOH,the%20conditions%20of%20daily%20life).
8. <sup>1</sup> <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2>
9. <sup>1</sup> Технические справки по имплементации Конвенции о правах инвалидов - Республика Узбекистана Январь 2023г
10. <sup>1</sup> “Янги Ўзбекистон” газетасининг шу йил 10 март сонида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Тиббий-ижтимоий хизматларни ташкиллаштириш департаменти директори Алишер Инаковнинг “Инклюзив жамият сари қадам”
11. <sup>1</sup> ФУҚАРОЛАР УЧУН БЮДЖЕТ: 2022 ЙИЛ ИЖРОСИ.



12. <sup>1</sup> Краткий аналитический обзор: системы здравоохранения, инклюзивные по отношению к людям с инвалидностью. Копенгаген: Европейское региональное бюро ВОЗ; 2022. Лицензия: CC BY-NC-SA 3.0 IGO.
13. <sup>1</sup> <https://lex.uz/uz/docs/140824> - 18.11.1991 йилдаги 422-ХП-сонли “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини 06/08/2024.
14. <sup>1</sup> <https://lex.uz/docs/6391378> - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.02.2023 йилдаги 74-сонли “Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори
15. <sup>1</sup> <https://www.imv.uz/static/qoraqalpogiston-res-budjeti-viloyatlar-va-toshkent-sh-mahalliy-budjeti-daromadlari-3>
16. <sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.11.2020 йилдаги ПҚ-4890-сонли “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори
17. <sup>1</sup> <https://www.imv.uz/static/qoraqalpogiston-res-budjeti-viloyatlar-va-toshkent-sh-mahalliy-budjeti-daromadlari-3>
18. <sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.12.2023 йилдаги 687-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги” қарорига
19. <sup>1</sup> Marjadi, B.; Flavel, J.; Baker, K.; Glenister, K.; Morns, M.; Triantafyllou, M.; Strauss, P.; Wolff, B.; Procter, A.M.; Mengesha, Z.; et al. Twelve Tips for Inclusive Practice in Healthcare Settings. *Int. J. Environ. Res. Public Health* 2023, 20, 4657. <https://doi.org/10.3390/ijerph20054657>

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

